



## THE AFGHAN INVASION OF IRAN AND ITS CONSEQUENCES (1721-1730 YEARS)

**Oktam Menglievich Karimov**

*Senior Lecturer*

*National University of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Afghans, Iranians, Turks, Safavids, Takhmasp II, Shah Sultan Hussein, Mir Mahmud, Isfahan, Shiraz, Tabriz, Mozandaran.

**Abstract:** This article provides information about the Afghan invasion of Iran.

**Received:** 09.06.24

**Accepted:** 11.06.24

**Published:** 13.06.24

## АФГОНЛАРНИНГ ЭРОНГА БОСҚИНИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (1721-1730 ЙИЛАР)

**Ўқтам Менглиевич Каримов**

*Камта ўқитувчи*

*Ўзбекистон Миллий университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Афғонлар, эрон, турклар, Сафавийлар, Тахмасп II, шоҳ афғонларнинг эронга босқинчилик юриши Султон Хусайн, Мир Махмуд, Исфаҳон, ҳақида маълумотлар баён этилган. Широз, Табриз, Мозандарон.

## АФГАНСКОЕ ВТОРЖЕНИЕ В ИРАН И ЕГО ПОСЛЕДСТВИЯ (1721-1730 ГОДЫ)

**Октам Менглиевич Каримов**

*Старший преподаватель*

*Национальный университет Узбекистана*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Афганцы, иранцы, турки, Сефевиды, Тахмасп II, Шах Султан

**Аннотация:** В данной статье представлена информация об афганском

Хусейн, Мир Махмуд, Исфахан, Шираз, вторжении в Иран.  
Тебриз, Мозандаран.

## КИРИШ

XVII асрнинг охирларида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан Эрондаги Сафавийлар давлатида ички кучлар ва ташқи давлатлар таъсирида заифлашув жараёни бошланган эди. Бу қўйдагиларда намоён бўлмоқда эди. Сулаймоншоҳ (1666-1694 йииллар ҳукмронлик қилган) даврида ўрта осиё хонликлари эроннинг шарқига хужумлар уюштиришганда жиддий қаршиликка учрамадилар. Голландияликлар эса форс кўрфазидаги Кешм оролини эгаллаганда эрон давлати тарафидан керакли равишда ҳарбий қаршилик кўрсатилмади. Усмонли турк сultonлигининг сиёсий, диний ва худудий даъволари, Россия империясининг кавказдаги сиёсати ва каспий денгизига чиқиш ҳаракатлари ҳамда инглизларнинг эрон ички ишларига аралашуви, албатта ташқи сиёсий кучлар натижаси эди.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Сафавий ҳукумдорларининг давлатни бошқаришдаги лаёқатсизлги, сарой амалдорлари ва диний уламолар ўртасидаги келишмовчиликлар, ҳар хил гурухларнинг бир бири билан, ўзаро курашлари натижасида мамлакат заифлаша бошлади. Бу пайтга келиб, қуриқликдаги савдо йўллари аҳамияти камайиб, Европа давлатлари асосан денгиз йўли орқали Ҳиндистонга Африкани айланиб ўтиш орқали янги савдо йўлини кашф қилдилар. Мана шу омиллар шоҳнинг хазинасига келаётган даромадларни камайтирди.

Деҳқонларнинг хўжалик юритиши қийинлашиб, аҳволи оғирлашиб, қашшоқлашиб қолди. Айниқса шоҳ Султон Ҳусайн (1694-1722 йииллар ҳукмронлик қилган) даврида солиқларнинг 3 бараваргача оширилиш оқибатида ёрқин сезила бошлади.

“XVIII асрнинг бошларида Эроннинг кўпгина ички вилоятларида халқ норозиликлари ва кўзғолонлар бирданига мунтазам тус олди”.

Сафавий давлатига тобъе ўлкалардан бўлган Кандахорда яшовчи афлонларнинг иирик қабиласи бўлмиш гилзайлар эронликларнинг кучсизлигидан фойдаланган Мир Махмуд бошчилигига 10 минглик қўшин 1720 йилда Сеистон вилоятига бостириб киради ва Кермон шаҳрини эгаллайди. Форс вилоятининг ҳокими Лутф Али Хон бошчилигидаги шоҳ қўшини Мир Махмуд бошчилигидаги афлонларни тор мор келтирди. Мир Махмуд Кандахорга қочишга мажбур бўлди. Лутф Али Хоннинг саройда обўсининг ошиб кетишидан қўрқкан душманлари уни ҳибсга олдиришди ва аскарларини тарқатиб юборишиди.

1721 йилда афлонларнинг гилзай, абдали ва бошқа қабилалари ҳамда белужлар Мир Махмуд бошчилигига 30 минг қуролланган отлик қўшин билан Эрон Сеистонига

бостириб кирди. 1722 йилнинг январ ойида Кермон шахрини эгаллаб, талон тарож қилди. Язд шахрини қамал қилдилар, лекин эгаллай олмадилар. Чунки, уларнинг қўшини шаҳарларни қамал қилишга мослашмаган эдилар.

Афғонлар Язд шахрини олишдан воз кечиб, 1722 йил 8 март куни Исфаҳон шахрига қараб юрдилар. Исфаҳон шаҳридан 25 км шарқда жойлашган Гулнобод қишлоғи яқинида шоҳнинг 50 минглик қўшинини тор мор келтирдилар. Шоҳ қўшини енгилишининг асосий сабаби: шошилинч равишда шаҳар атрофидан йиғилган кўнгиллилардан ташкил этилгани ва тўғри келган қуроллар билан қуроллангани ва ва тайёргарликсиз жангга кирганлигидир.

“Нихоят, 1722 йил 22 октябрда шоҳ Султон Ҳусайн Мир Махмудга Исфаҳон шахрини топширди, сарой аёнлари билан бирга унинг лагерига келди ва шоҳлик тожини тақдим этди”. Шундан сўнг Мир Махмуд ўзини Эрон шохи деб эълон қилди.

1722 йилнинг июнь ойида афғонлар Исфаҳон шахрини қамал қилганда шоҳ Султон Ҳусайннинг ўғли Тахмасп эроннинг шимолий вилоятига қараб қочади. Афғонлардан норози бўлган аҳоли қатлами Тахмасп атрофида йиғила бошлайди. Тахмасп ўзини шоҳ деб эълон қилади. Лекин Тахмасп афғонларга қарши кураш учун етарли қўшин тўплай олмайди.

Бу пайтга келиб, Россия Кавказ орти ва Эронга нисбатан ўз сиёсатини фаоллаштира бошлади. Пётр I ни кўп йиллардан бери Эрондаги ҳолат қизиқтириб келаётган эди. 1717 йили Пётр I нинг кўрсатмасига биноан, Сафавийлар давлатининг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш ва савдо сотиқни йўлга қўйиш учун “Артемий Волынский бошчилигидаги элчилар ҳайъати Исфаҳонга келади”. Сафавийлар давлатининг аҳволи ҳақида ўрганиб, Пётр I га хабарнома юборади.

1722 йил Пётр I Астраханга келади ва денгиз орқали Доғистонга ўтади. Доғистонга келишининг асосий сабаби: рус савдогарларининг Шамахда лезгинлар тарафидан талон тарож қилиниши ва кавказ христианлари бўлмиш грузин ва арманларни ҳимоя қилиш эди. 1722 йил сентябр ойида Дарбантни эгаллайди ва Астраханга у ердан Петербурга қайтади. 1723 йилнинг ёзида руслар Бакуни эгаллайди. Пётр I Астраханда бўлган вақтида ғilonликлар афғонларга қарши курашда ёрдам сўраб мурожаат қилади. Бунга жавобан у иккита батальонни ёрдамга жўнатади. Юборилган кўмак Энзели ва Решт шаҳарларини эгаллайди. Россия кавказга қилган юришларида авалламбор ҳарбий-стратегик ва савдо сотиқни йўлга қўйиш мақсадларни қўзлаган эди.

Сафавийлар давлатининг заифлашганидан фойдаланиб Усмонлилар давлати эронга уруш эълон қилади. 1723 йил баҳорида турклар Грузияга бостириб киради ва Тбилисини

эгаллайди. Бундан хабар топган Тахмасп Россияга Исмоилбек бошчилигидаги элчини юборади. 1723 йил 23 сентябрда Петербургда Россия ва Тахмасп ўртасида шартнома тузилади. Шартномага мувофиқ Пётр I афғонларни эрондан қувиб чиқишига ва Тахмаспни Эрон тахтига ўтқазишига вайда беради. Тахмасп эса Дарбантни, Бакуни каспий бўйи вилоятларини ва эронининг Ғilon, Мозандарон ва Астробод вилоятларини Россияга таркибига ўтишига рози бўлади.

Русларнинг Бакуни эгаллаши, Россиянинг Тахмасп билан тузган шартномаси Туркия ва Россия муносабатларининг ёмонлашувига олиб келди.

Турклар Грузияни ишғол қилгандан кейин эроннинг шимолий шарқида жойлашган Керманшоҳ шахрини эгаллайди. Қарши тарафлар эронга нисбатан бир бирини таъсирини камайтириш учун ҳаракат қила бошлайдилар. 1724 йилнинг июнь ойида турклар ва руслар ўртасида келишувга эришилади. Унга кўра, Тахмасп Россия ўз таркибиға кўшиб олишига рози бўлган вилоятлар. Туркларга Кавказорти давлатларининг бир қисми, эроннинг шимолий-ғарбий вилоятлари Озарбайжон ва Курдистоннинг Керманшоҳ ва Ҳамадон шаҳарларидир. Агар Тахмасп бу шартларга кўнса турклар ва руслар унга ёрдам берадиган бўлишиди. Рози бўлмаса тахтга бошқа шохни ўтқазиш таҳди迪 билан чиқдилар.

Усмонли турк қўшинлари 1724 йил Ҳамадон шахрини олгандан кейин шаҳарни бир қисмини вайрон қилдилар ва қаршилик қўрсатган аҳолини ўлдирдилар. Табриз, Ҳамадон ва Қазвин шаҳарлари бўйсундирилгандан сўнг, турклар Исфаҳон шаҳрига томон ҳаракатландилар.

Афғонларнинг Эрондаги аҳволи тобора оғирлашаётган эди. Эрон халқи афғонларга қарши қаттиқ қаршилик қўрсатишда давом этарди. 1725 йилнинг феврал ойида Махмуд буйруғига кўра Исфаҳон шаҳри аҳолиси қатл қилинди. Сафавийлар сулоласининг эркакларининг ҳаммаси қатл қилинди. Фақат Ҳусайн шоҳ ва унинг кичкина фарзандлари омон қолдирилди. Махмуднинг шафқатсизлигидан нафақат эронликлар балки, афғонлар ҳам жабрландилар. Махмудга қарши бўлган гурӯхлар тил бириқтириб, фитна уюштирилар ва уни қатл қилдилар. Афғонлар тахтга Мир Махмуднинг амакиваччаси Ашрафни ўтқаздилар ва Эрон шоҳи деб эълон қилдилар. У Мир Махмуд шоҳдан кўра нозикроқ сиёsatчи эди. Фақат афғон қабилаларининг қўмаги ёрдамида Эрон устидан ҳокимиятини мустаҳкамлаш мумкин эмаслигини тушунди. Мир Ашраф шоҳ ўз армиясида интизом ўрнатди, ерли аҳолига қарши талончилик ва зўравонликни тўхтатди ва Эрон зодагонларини ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилди. Унга қарши бўлган амирларни қатл эттириди. Уларни мол мулкини мусодара қилди. Шу йўл билан хазинани тўлдириди.

Сафавийлардан бўлган шоҳ Ҳусайн қизига уйланди. Сафавийлар хонадонига хазинадан катта маблағ ажратди. Лекин бу билан у афғонларни ўзидан узоклаштириди.

Мир Ашраф шоҳ ўз мавқеини мустаҳкамлагандан сўнг 1726 йилда афғон қўшини бошида, ўша пайтгача бутун шимоли-ғарбий Эронни Қазвин, Табриз ва Ҳамадон шаҳарларини эгаллаб олган ва Исфаҳонга қараб келаётган Усмонли туркларига қарши чиқди. Бир қатор жанглардан сўнг Ашраф шоҳ турк қўшинини Кермоншоҳда мағлубиятга учратди. 1727 йил сентябрда Мир Ашраф шоҳ Усмонли империяси билан тинчлик битимини (Ҳамадон шартномаси) тузди, унинг шартларига кўра Озарбайжон, Курдистон, Хузистон, шунингдек Марказий эроннинг бир қисми Зэнжон ва Техрон турк султонлигига ўтди. Мир Ашраф шоҳ турк султони Ахмед III ни бутун мусулмон суннийлар халифаси деб тан олди. Турк султони эса Мир Ашраф шохни эрон шохи дея эътироф этди.

Эроннинг шимолида Мозандаронда 1722 йилда ўзини янги шоҳ деб эълон қилган Ҳусайннинг ўғли Сафавий Шаҳзода Тахмасп II ўз мавқеини мустаҳкамлай бошлади. Афғонлар ва туркларнинг сиёсатидан норози бўлган эрондаги халқлар Тахмасп II атрофида бирлаша бошладилар. 1726 йилда истеъододли ҳарбий қўмондон Нодирқули катта ҳарбий куч билан Мозандаронга ёш Тахмасп II нинг хизматига келди.

Нодирқули Тахмасп II томонидан қўшининг бош қўмондони этиб тайинланди ва давлатни бирлаштириш учун муваффақиятли курашни бошлади. Нодирқули Сестон ва Хуросонни бўйсундирди ва Ҳиротга қарши муваффақиятли юриш қилди. Нодирқулининг ҳарбий ютуқлари афғон хукмдори Мир Ашраф шохни хавотирга солди. 1729 йил август ойида Мир Ашраф 30 000 кишилик қўшин билан Исфаҳондан шимолга юриш қилди.

1729 йил 2 октябрда Дамғон ёнида Нодирқули Мир Ашрафнинг кучларини мағлуб етди. Афғонлар мағлубиятга учради ва Исфаҳонга чекинди. Нодирқули чекинаётган душманни таъқиб қила бошлади ва 29 ноябр куни Мурҷеҳурт қишлоғи яқинидаги жангда унга иккинчи мағлубият келтирди. Мир Ашраф Исфаҳонни тарқ етиб, Шерозга чекинди. Тахмасп II пойтахтга кириб таҳтга ўтириди. Шу йилнинг декабр ойида Нодирқули шохни пойтахтда қолдириб, афғонларнинг мағлубиятини якунлаш учун Шерозга юриш қилди. Шероз жангига Мир Ашраф шоҳ батамом тор мор этилди. Чекиниш давомида Мир Ашраф шоҳ совуқ, очлик ва у босиб ўтиши керак бўлган худудлар аҳолисининг душманлиги, унинг кучларини тарқатиб юборди ва у хазинасини ташлаб кетишига мажбур бўлди. Мир Ашраф шоҳ Форс вилоятидан чекинаркан, 1730-йилда Қалот хони Мир Муҳаббатхон Балуж томонидан асирга олинди ва қатл этилди. Шунинг билан афғонлар эрондан бутунлай қувиб чиқарилди.

**ХУЛОСА**

Афғонларнинг эрондаги ҳукмронлиги даврида ички ва ташқи савдо тўхтаб қолди. Дехқонлар, хунарманлар ва косибларнинг ишлари орқага кетди. Кўп шаҳар ва қишлоқлар айниқса Исфаҳон шаҳри талон тарож ва босқинлар оқибатида вайрон бўлди. Натижада маҳаллий аҳолининг афғонларга нисбатан нафрати кучайди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Иванов М.С. Очерк истории Ирана. 80-бет.